БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 июль Чоршанба
№ 138 (13.574).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Шифокорлар конкурсдан ўтади

Шифокорлар Бутуниттифоқ отряди оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ўткир муаммоларини ҳал этишда ёрдам бериш учун маҳаллий врачлар ҳузурига келди. Отрядда Волгоград, Воркута, Чита, Ленинград, Севастополь, Уфа, Донецк ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги табобат муассасаларидан тўпланган уч юздан зиёд тажрибали педиатр, реаниматолог, юқумли касалликларни даволовчи врач, гинеколог бор.

— Мана тўрт йилдирки, энг йирик акушерлик ва педиатрия марказларининг вакиллари касаллик энг кўп тарқалган ноҳияларда ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистонга келишмоқда, — деди Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар ва оналарга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ф. Р. Менлиқулов. — Бу айни ёз даврида болалар ўртасида ошқозон-ичак юқумли касалликлари, сариқ, зотилжам каби касалликлар натижасида ўлим кўпайиши билан боғлиқдир. Жумҳуриятда эса олти минг педиатр етишмаяпти.

Ленинград табобат педиатрия институти билан Бухоро соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида оталиқнинг самарали шакли қарор топди. Жумҳуриятдаги энг «кўп болали» вилоятлардан ҳисобланувчи бу ерда ленинградлик шифокорлар маҳаллий педиатрлар ва акушер-гинекологлар учун доимий малака ошириш курсларини очдилар. Бу ердаги шу мутахассисликдаги врачларнинг 90 фоизи кўп болали оналар эканлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу улар учун ўқишнинг ягона имконияти эканлиги тушунарлидир.

Ленинградлик шифокорлар амалий ёрдам ҳам кўрсатишмоқда. Улар ташкил қилган шифокорлар бригадалари (бу бригадаларга ўзбекистонлик мутахассислар ҳам киради) Бухоро вилоятидаги ноҳия марказий касалхоналарида ва амбулаторияларда ишламоқда. Даволашнинг янги усуллари муваффақиятли жорий этилмоқда. Хусусан, Ленинградда ишлаб чиқилган янги туғилган чақалоқларнинг ўзини қандай ҳис этаётганлигини мониторлар ёрдамида кузатиш системаси ҳозирнинг ўзидаёқ ўз самарасини кўрсатди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида бир ёшгача бўлган беш юздан кўпроқ бола ўлимдан сақлаб қолинди. Ленинград ва Бухоро шифокорлари ҳамкорлиги тажрибасини СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўллаб-қувватлади ва бошқа регионларда ҳам жорий этиш учун тавсия этди. Ҳозир бу тажрибадан Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм ва Фарғона вилоятларида фойдаланилмоқда. Ўзбекистон ССР ва РСФСР вазирликлари, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари, жумҳурият олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномалар тузилди. В. И. Ленин номли болалар фонди шу мақсадлар учун бир миллион сўмдан кўпроқ пул ажратди.

Тиббий ёрдамга келувчи бригадалар учун шифокорларни танлаб олиш биринчи бор Бутуниттифоқ конкурси асосида ўтказилганлиги ҳам бу галги саломатлик десантининг фарқ қилувчи белгиси бўлди. Унда ўзбекистонлик олимлар ва амалиётчи шифокорлар ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўшимча тарзда дори-дармонлар ва ускуналар етказиб бериш чора-тадбирларини кўрди.

(ЎзТАГ).

Кашшофлар ёзи



Хива ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи болалар бу йил ёзда мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Раҳбариятнинг ташаббуси билан хўжаликнинг илгариги меҳмонхонаси ва дала ҳовлиси кашшофлар оромгоҳига айлантирилди. Оромгоҳ уларнинг Афғонистонда ҳалок бўлган ҳамюртлари Саъдулло Отамуродов номи билан юритилмоқда.

Бутун ёз бўйи бу оромгоҳда жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг 330 фарзанди дам олади.

СУРАТДА: жамоа хўжалигининг таниқли чорвадори, Қаҳрамон она Онабиби Норметова болалар меҳмони.

Қ. ОТАЕВ суратга олган.
(ЎзТАГ сурат-лавҳаси).

СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ШАРҲИ

Кўчаларда нима гап

Кўчаларда йилнинг биринчи ярмида қилинган жиноятлар орасида фуқароларга қароқчиларча ҳужум қилиш ҳоллари энг кўп ўсди. Бундай жиноятлар шу даврда қарийб тўртдан бир баравар ва умуман мамлакат бўйича қилинган жиноятлар уч мингтадан ортди. Бундан ташқари кўчаларда шахсий мулкни талон-торож қилишнинг ҳар иккитасидан бири, оғир тан жароҳати етказишнинг ҳар тўрттасидан бири, қотилликнинг ҳар тўққизтасидан бири рўй бермоқда. Булар ҳам ўтган йилнинг 6 ойига нисбатан кўпдир.

Бу фактни ТАСС мухбирининг илтимосига кўра СССР Ички ишлар вазирлиги Жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Е. В. Паскарь шарҳлайди:

— Аввало турли митинглар, намойишлар, кўча юришлари ўтказиш чоғида жамоатчилик тартибини сақлашга, шунингдек мураккаб вазият юзага келган минтақалардаги, миллатлараро можаролар келиб чиққан ерлардаги вазифаларни бажаришга милиция кучларининг катта қисмини жалб этишга тўғри келаётганлиги бунга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Кадрлар қўнимсизлиги милиция ишининг сифатига салбий таъсир қилмоқда. У ички ишлар идораларининг профессионал даражаси илдизига болта урмоқда. Чунки жамоатчилик тартибини муваффақиятли ҳимоя қилиш учун назарий билимлардан ташқари амалий тажриба ҳам керак. Бироқ, милиция хизматининг «роҳатини» татиб кўрган ёшлар, кўпинча дастлабки йилдаёқ ишдан бўшаб кетишмоқда. Мамлакатда ҳар йили қабул қилинадиган ходимларнинг 9-10 фоизи хизматдан бўшайди. Бугунги кунда 10 йил ва ундан кўпроқ ишлаган милиционерлар жуда кам қолди.

Постларда соқчилик қиладиган ёш ходимларнинг руҳий жиҳатдан эркин эмаслиги, можароли вазиятда тез ҳаракат қила олмасликларидан қонунбузарлар усталик билан фойдаланишмоқда, улар кўпинча жамоатчилик фикрини ўз томонларига оғдириб олмоқдалар. Қатъий ҳатти-ҳаракатлар талаб этиладиган ерда милиционерларнинг ниҳоятда эҳтиёткор бўлишлари ҳам ана шундан. Масалан, қурол қўлланиш зарур бўлган ҳолларда шундай бўлмоқда.

Бундай вазиятлар ҳар куни ҳали у ерда, ҳали бу ерда вужудга келмоқда. Яқинда Ленинградда ўн нафар йигит кўчада безорилик қилишди, қўлга олмоқчи бўлишганида эса қаршилик кўрсатишди. Ульянов вилоятининг Димитровград шаҳрида бир безори милиция ходимига белкурак билан ҳужум қилди. Туркманистонда, Чоржўй шаҳрида илгари судланган, ўғирлик қилишда шубҳаланаётган киши милиционерни болта билан урмоқчи бўлди. Ана шу ҳодисаларнинг барчасида жиноятчиларга қарши қурол ишлатилди. Улар қўлга олинди. Лекин ҳужум қилган шахс жазоланмай яшириниб қолган, бизнинг одамлар эса жароҳатланган ва ҳатто ҳалок бўлган ҳоллар ҳам рўй бериб туради.

Албатта, бу ерда жамоат тартибини қўриқловчи ходимларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этилиши қонун йўли билан белгилаб қўйилмаганлиги, пост соқчилиги хизмати фаолиятини тартибга соладиган идоравий норматив негизнинг йўқлиги ҳам бунга таъсир қилади.

Биз ҳукумат муҳокама қилаётган Совет милицияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси энг яхши нусхада қабул қилинишига умид қиламиз. СССР Ички ишлар вазирлиги янги қонун чиқишини кутиб ўтирмай, милиция, давлат автоинспекцияси, тиббий ҳушёрхоналар, жиноят содир этганларни қабул қилиб, уларни тақсимлайдиган муассасаларнинг соқчи кучларини бирлаштириш йўли билан постларда соқчилик қилувчи нарядларни кўпайтириш учун чора-тадбирлар кўрмоқда. Улар зиммасига кўчаларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга доир вазифаларнинг бутун бир мажмуини юкламоқда. Пост соқчилари хизматини корхоналар ва жамоа хўжаликлари ажратадиган маблағлар ҳисобига ривожлантириш, кооперациялаш принципи асосида хизматни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарининг маблағи ҳисобидан ҳаракатчан оператив резервлар тузишни ўйлаяпмиз, улар қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларда қатнашаётган кишилар жойлашган ерларга юбориладн. Қишлоқ ички ишлар идораларида Қозоғистон ССР ва Туркманистон ССР Ички ишлар вазирликларининг тажрибаси асосида кўчма милиция пунктлари ташкил этиш зарур. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар яқин вақт ичида кўчалардаги, жамоат жойларидаги милиция нарядларини кўпайтиришга имкон беради.

Фурсатдан фойдаланиб, оммавий ахборот воситалари, барча даражалардаги депутатлар, жамоатчиларга мурожаат этмоқчиман: жамоатчилик фикрини қонуннинг, инсон ҳуқуқларининг ва маънавий асосларнинг ҳар қандай бузилишларига салбий муносабатда бўлишга йўналтириш, шунингдек милиционерга хайрихоҳлик билан қараш вақти келди. Худди шу нарса бугунги кунда жуда-жуда етишмай турибди.

ТАШРИФИМИЗ — ИШГА ЁРДАМ БЕРИШ

Хўжаобод ноҳиясидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигида ғўза яхши ривожланмоқда. Ҳосил нишоналари кун сайин кўпайиб бормоқда. Ғўзанинг ривожи кечиккан жойларда эса қўшимча парвариш қилиниб озиқлантирилмоқда, бу тадбир қисқа муддатда ғўзанинг бир текис ривожланишига эришишни таъминлайди. Хўжалик пахта далаларини кўздан кечирган Марҳамат ноҳияси ўзаро текшириш бригадаси мутахассисларининг хулосаси ҳам ана шундай. Ишчи делегациясининг раҳбари, Марҳамат ноҳияси деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Раҳмонберди Худойбердиев бундай деди:

— Биз бошқа хўжаликларда ҳам бўлдик, ишлар ўз вақтида сифатли бажарилаяпти. Аммо биз қўшниларни мақтаб қайтиб кетиш учун келган эмасмиз. Ташрифимиз ишга ёрдам бериши керак. Бобур номли жамоа хўжалиги далаларида ғўзани ўт босиб кетган, Собир Раҳимов номли хўжалик далаларида қишлоқ хўжалик заркунандалари тарқалган, Калинин номли давлат хўжалигида эса ғўза яхши ўсмаган пайкаллар бор. Касбдошлар билан ана шундай камчиликлар тўғрисида очиқчасига суҳбатлашдик. Нуқсонларни тезроқ тугатиш учун бизнингча нималар қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат бердик.

Хўжаобод ноҳияси пахтакорлари очиқчасига гаплашганликлари, маслаҳатлари учун дўстларга самимий миннатдорчилик билдирдилар ва дўстлар ёрдамидан сўзсиз фойдаланамиз, деб ишонтирдилар.

Андижон вилояти.
(ЎзТАГ).

Долзарб мавзу

ЯНА ДЕҲҚОН ЖАБРДИЙДАМИ?

Ақл бовар қилмайди: ёз фаслининг қоқ ўртасида полиз маҳсулотларининг нархи жумҳуриятимиз пойтахти — Тошкентда 60-70 тийин. Помидорнинг килоси 80 тийин, 1 сўм, баъзи кичик бозорчаларда 1,5 сўмгача боради. Бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ҳам бундан арзон эмас. Хуллас, қимматчилик. Савол туғилади: ўзи нима бўлаяпти! Ёки секин-аста киши билмас бозор иқтисодиётига ўтиб бораяпмизми!

Ўтган якшанба куни пойтахтимиздаги Фрунзе ноҳияси жамоа хўжалиги бозорига тушдим. Бир қарашда қувонарли манзара. Бозорнинг ичи давлат номери Бухоро вилоятини билдирувчи юк автомашиналарига тўла эди. Демак, арзончилик экан-да, деган ўй хаёлимдан кечди. Чиндан ҳам шундай эди. Олисдан келтирилган маҳсулотлар нархи бозордагидан икки баравар арзон.

— Жумҳурият фирқа ва ҳукуматининг пойтахтликларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақидаги қабул қилган тадбири амалга ошаётган экан-да, — деди харидорлардан бири.

— Балки шундайдир, — деди бухоролик деҳқон. — Аммо бу қанчалик ташвишлар эвазига эканлигини ҳеч ким билмаса кераг-ов!

Ёз учун ғайри одатий манзара: ёмғир ёғаётганди. Кузовлардаги мева-сабзавотлар ҳам шундоққина ёмғир остида. Гўё йиғлаётгандек, туюлади кишига. Балки деҳқон шунинг учун куюнаётгандир, дедим ўзимча. Аммо ҳақиқий аҳвол бошқача эканлиги кейинроқ аён бўлди.

Агар тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари эътибор берган бўлишса, шу кунларда жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан бу ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган машиналар карвони келиб турибди. Хўш, ана шу деҳқон яратган нозу-неъматнинг сифати қанақа? Уни қабул қила олаяпмизми? Соҳибкорларнинг ўзларига-чи? Уларга етарли шароит яратиб бера олаяпмизми? Шу каби жумбоқлар Бухоро карвонининг карвонбошиси, вилоят давлат ширкат ишлаб чиқариш бирлашмаси раисининг ўринбосари Шуҳрат Мўминович ИБРОҲИМОВ билан учрашишга мажбур этди.

— Тошкентга учинчи бор келишимиз, бу мавсумда. Биринчи марта шу йилнинг 11 июлида 31 тонна маҳсулот келтирган эдик, — деди раис ўринбосари. — Кам келтирибсан, деб танқид қилишди. 14 июлда яна 95,5 тонна маҳсулот келтирдик. Барибир кам дейишди. Мана бугун 22 июль. 164 тонна турли хилдаги полиз, мева ва сабзавот маҳсулотлари келтирдик. Аҳвол кўриб турганингиздек.

Ҳақиқатан ҳам манзара ўта кулгили эди. Ҳар бир харидорга 4 та юк машинаси тўғри келади, десак муболаға бўлмас. Ноиложликдан машиналарнинг бир қисмини Тошкент Жанубий темир йўл вокзали майдонига юборишган. Барибир харидорлар сийрак. Мева-чева эса мўл-кўл.

Шуҳрат Мўминович билан суҳбатдан маълум бўлишича, шу куни пойтахтга 60 та юк автомашинасида маҳсулот келтирилибди. Жами юқорида айтганимиздек, 164 тонна. Аммо деҳқонларни пойтахтда деярли кутишмаган. Улар қўним топган Фрунзе ноҳияси бозорида махсус айвонлар йўқ. Маҳсулотлар ўз кучини йўқотаяпти. Пештахталар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Ахир биз ҳам сотувчиларга ўхшаб оқ халатлар кийиб, саранжом-саришта савдо қилгимиз келади, — деди яна бир деҳқон. — Афсуски, оқ халат тугул, шерикларимизнинг ярмиси бошпанасиз қолишди. Кечаси бевосита бозорнинг ўзида тунаяпмиз. Яхшиям ёз экан...

Буниси ҳам ҳолва. Жумҳурият ҳукуматининг бу борада махсус кўрсатмаси бўлишига қарамасдан, пойтахтга маҳсулот юбораётган хўжаликларга ёнилғи-мойлаш материаллари учун фондлар ажратилмаган. Шундай бўлса-да, юқорининг топшириғи. Начора. «Бир амаллашаяпти». Қайтишда эса бензининг борми, йўқми, дейдиган кимсанинг ўзи йўқ.

Бундан ташқари Бухоро Янгийўл ёки Чиноз эмаски, ғиз этсангу борсанг — қайтсанг. Ўртача ҳар бир машина Тошкентга келиб кетгунча 1,5 минг чақирим йўл босади. Ҳар бир машина 100 чақирим масофага 20-25 литр бензин сарфлайди. 60 та машинадан ҳар бирининг ўртача 1,5 минг чақирим масофага қанча ёнилғи сарфлашини ўзингиз сарҳисоб қилиб олаверинг.

Бу бухоролик деҳқонларнинг пойтахтга охирги сафари эмас. Яна бир ҳафтадан сўнг улар худди ана шу бозорда ҳозир бўлишади. Аниқроғи, ҳозир бўлишлари шарт! Кўрсатма шунақа.

Ҳа, кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан. Ачинарлиси шундаки, шу куни сотилмасдан қолган маҳсулотларни деҳқонлар Бухорога қайтариб олиб кетишади. «Ўтмаганини консерва заводига элтиб топширамиз. Бу ерда 35 тийин бўлса, у ерда килосини шундоқ ҳам 40 тийиндан қабул қилишади. Фақатгина ортиқча ташвиш, ортиқча сарф-харажат қилганимиз қолади». Эшовидан тушови қиммат, деб шуни айтсалар керак.

Шу ўринда яна бир жумбоқ. Хўш, ана шундай сайллар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ким учун чиқарилган. Уни яна фақат деҳқон бажариши керакми? Улар учун етарли шарт-шароитлар яратишга масъул бўлган ўртоқлар қаёққа қарашаяпти? Ёки улар учун бозордаги нарх-навонинг паст-баландлиги барибирми. Ёки бўлмаса бу кўрсатма ҳам улар учун ҳайбаракаллачиликка чиқарилган навбатдаги ҳужжатми?

Бозордан қайтаяпману бир деҳқон секин ёнига чақирди:

— Ука, агар уддалай оладиган киши бўлса келсин. Арзонроқ, кўтарасига сотиб юборамиз. Шундоқ қовунни шаҳарга колхозчилар ризқидан қийиб келтирган эдик. Ҳеч бўлмаса, пулини элтиб топширайлик.

Сувонқул РУСТАМ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

Шу сонгга хабар

Тайёрани олиб қоча олмади

23 ИЮЛЬ куни Ригадан Мурманскка йўл олган 8307 рейсли ТУ—134 тайёрани олиб қочишга уриниш бўлди.

Ҳаво кемаси Ригада осмонга кўтарилиб, парвоз қилганидан сўнг 57 дақиқа ўтгач, йўловчилардан бири бортпроводник орқали экипажга қуйидаги сўзлар ёзилган хатни бериб юборди: «Ҳаво кемаси хавф остида. Йўлни Стокгольмга буринг, тайёра исталган дақиқада парчаланиб кетиши мумкин». Экипаж экстремист билан уни жиноий ниятдан қайтишга ишонтириш учун музокаралар олиб бора бошлади. Ҳаво кемасининг командири В. Т. Абеле йўловчилар ва уларнинг юклари синчиклаб кўздан кечирилганлиги, бунга ишонч ҳосил қилиши мумкинлиги тўғрисида ердан хабар келгач, Петрозаводск тайёрагоҳига қўнишга қарор қилди. Тайёра соат 12 дан 25 минут ўтганда тайёрагоҳга қўнди, бу ерда Карелия АССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг жиноятчиларни қўлга олиш гуруҳи тайёрани олиб қочмоқчи бўлган кишини ушлади. У Виктор Владимирович Коваленко бўлиб, 1968 йилда Ригада туғилган ва шу ерда яшаб, ҳеч қаерда ишламас экан. У қўлга олинаётганида ёнидан портловчи қурилма чиқмади.

Экипаж ва йўловчилар жабрланмади. Тергов олиб борилмоқда.

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ ИЖТИМОИЙ АЛОҚАЛАР МАРКАЗИ.

Вилоят комсомол қўмитасининг пленуми

Хоразм вилоят комсомол қўмитасининг бу галги пленуми Хонқа ноҳиясида бўлиб ўтди. Сайёр пленумда «Хонқа ноҳия комсомол қўмитасининг ички иттифоқ ҳаётини демократиялаштириш шароитида бошланғич комсомол ташкилотларига раҳбарлиги» юзасидан ноҳия комсомол қўмитасининг саркотиби К. Жуманиёзов ҳисоб берди.

Шунингдек, пленумда вилоят комсомол қўмитаси структурасига ўзгартишлар, янги комиссиялар тўғрисидаги низом, ички иттифоқ ишлари ва кадрлар билан шуғулланувчи, мафкура, талаба ёшлар ва ўқувчилар муаммолари билан ишлаш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан шуғулланувчи ва молия-бюджет комиссияларининг таркиби чуқур муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Пленумда вилоят комсомол ташкилотининг 70 йиллик муносабати билан БЛКЁИ ва жумҳурият комсомоли Марказқўми томонидан мукофотланган бир гуруҳ фаолларга фахрий ёрлиқлар ва кўкрак нишонлари топширилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум ишида ЎзЛКЁИ Марказқўми комсомол ташкилотлари бўлими мудири О. Дубков иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз).

Энг муҳими — одамлар тўғрисида ғамхўрлик

НОГИРОНЛАРГА, кексаларга, ёлғиз кишиларга ёрдам бериш муаммолари Наманганда тугалланган «Ҳозирги талаблар асосида жумҳурият аҳолиси ижтимоий таъминотини такомиллаштириш йўллари» жумҳурият семинар-кенгашида кўриб чиқилди.

Семинарда аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш масалалари фақат ижтимоий таъминот соҳасининг кундалик ишигина эмас, шу билан бирга фирқа, шўро, хўжалик идораларининг, бошқа органларнинг ҳам иши эканлиги таъкидланди. Наманган вилоятидаги хўжалик ички маблағлари ҳисобига ўз ходимлари учун қўшимча пенсиялар тўлашни ташкил этган бир қанча хўжаликлар ва корхоналар тажрибаси ижобий баҳоланди. 74 та жамоа хўжалиги, 29 та давлат хўжалиги, 36 та давлат ширкат ташкилоти ҳар ойда 303 минг сўм нафақа тўламоқда.

Семинарда камбағал фуқароларнинг пенсияларига устама тўлаш тўғрисида ҳам гап борди. Ижтимоий ёрдам бўлимларининг фаолияти ҳам янада яхшилашга муҳтож.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонуннинг асосий қоидалари ва ижтимоий таъминот идораларининг бу қонунни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашда Наманган вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

Жумҳурият прокуратурасида

Куни кеча жумҳурият прокуратураси ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда СССР Бош прокурори ўринбосари, I класс Давлат адлия маслаҳатчиси В. А. Кравцев сўзга чиқиб, жумҳурият прокурори, II-класс Давлат адлия маслаҳатчиси Д. А. УСАТОВнинг Украина ССР прокурори ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ССР прокурори вазифасидан озод этилганлигини эълон қилди.

СССР Прокурорининг буйруғига биноан Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлаган, катта адлия маслаҳатчиси Бўритош Мустафоевич МУСТАФОЕВ жумҳурият прокурори этиб тайинланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов қатнашди ва сўзга чиқди.

Шу сонгга хабар

КИМКИ ЎЗЛИГИНИ ЙЎҚОТСА...

Меҳр-оқибат... Кейинги пайтда бу иборани кўп ишлатадиган, бир-биримизни меҳрли, оқибатли бўлишга чақирадиган бўлиб қолдик. Бу тўғрида баҳс очилгудай бўлса узоқ тортишамиз. Ёшларни турли баҳоналар билан айблаймиз. Хўш нега энди, бугунга келиб инсоф-диёнатли, иззат-ҳурматли кишиларнинг фарзанди инсоф ва диёнатни, иззат ва ҳурматни унутяпти? Бунга сабаб нима, нима таъсир этди, бу кишиларни ким тарбия қилди, деган ўринли савол туғилади.

Ўзбек халқи азалдан ажойиб хусусиятли, меҳрли, оқибатли халқ бўлган. Ўзаро ҳурмат-иззат олдин салом-аликдан, ҳол-аҳвол сўрашдан бошланган. Ҳатто нотаниш кишига ҳам салом бериб, ҳолини сўраган, керак бўлганда ёрдам берган. Ҳозир эса оддий салом айрим танишлар учун ҳам насия бўлиб қолмоқда. Бировдан фойда бўлса, қуюқ саломлашишади. Бу салом ҳам олди-сотди бўлди, деган гап. Халқимиз ота-онани ҳамиша эъзозлаган, уларни энг муқаддас киши, деб билган. Ҳурмат юзасидан ҳатто улар ўтирган уйнинг томига ҳам чиқишмаган, улар рухсат бермагунча бирга овқатланишга ийманишган, тап тортиб улар юзига тик қарай олмаган.

Халқимиз тириклигида ўта разил, расво одам бўлмасин унинг вафотидан сўнг ҳурматини жойига қўйиб дафн этган. Кишиларимиз ҳар қандай таъзиядан хабар топдими, у жойда қатнашишни ўзининг инсоний бурчи деб билган. Йўловчи нотаниш бўлишидан қатъи назар қаршисидан чиққан ўликхонага кириб, марҳумнинг қариндошларига ҳамдардлик билдирган. Тобут кўтариб кетаётган кишиларни кўргач, улар сафига қўшилган. Ҳозир эса айрим таъзияларни кўрар эканмиз халқимизнинг бу удумига ҳам путур етаётганини сезасан. Узоққа бормайлик, бундан 2-3 йил илгари раҳбарларнинг тазйиқи билан ўз лавозимидан айрилишдан қўрққан шахслар ўз яқинлари вафот этганда хизмат сафари баҳонасида бошқа жойга «қочиб» қолишарди.

Ўзбекнинг тўйи азалдан машҳур. Чунки унда халқнинг меҳмондўстлиги, бир-бирига оқибатлилиги намоён бўлади. Ҳозирги тўйлар билан олдинги тўйларимизни қиёсларканмиз, бу қутлуғ удумларимизга ҳам путур етаётганини кўрасиз. Шаҳримиздагиларни қўя турайлик. Мен туғилиб ўсган қишлоғим мисолида айтадиган бўлсам шуки, бундан йигирма йил олдин маъракаларимизда кураш, кўпкари бўларди. Тўйга айтилдими, қанчалик масофада бўлмасин от-эшакда, пиёда бўлса-да, етиб келинарди. Тўй бўлдими, шу куни бутун қишлоқ аҳли мезбон сифатида хизматда бўларди. Ҳозир эса бу одатлар сусайиб кетди. Чунки «замонавий тўйлар» соясида ота-боболаримизнинг бу удумларига ҳам бошқача кўз билан қарадик, эскилик дедик: айни пайтда отларни йўқотишнинг чораларини кўрдик. Ўша пайтда қўшни қишлоқлар орасида чавандозлари билан машҳур бўлган бизнинг қишлоқда ҳозирги кунда биронта ҳам от қолмаган.

Ичкиликка қарши кураш сиёсати таъсирида лавозимли киши ўзининг яқинининг тўйига ҳам қатнашишга қўрқиб қолди. Келганда ҳам кишиларнинг кўзидан пана деб бир бурчакдан келиб кетди. Тўйда ичкиликбозлик қилибди, деган айб билан эртасига ишдан кетиши ҳеч гап бўлмай қолди.

Илгари бутун қишлоқ аҳли тўйхонада хизматда турган бўлса, эндиликда эса яқин қариндошининг хизматни қўйинг, тўйга келиб кетиши ҳам қийинлашиб қолди. Эндиликда айримлар тўйига хизмат қилиш учун бегона кишиларни пул билан ёлламоқчи ҳам бўлишди.

Ўрта Осиёга русларнинг кириб келиши билан Оврўпача урф-одатлар ҳам кириб келди. Тан олишимиз керакки, бу борада кўп нарсани ўргандик. Лекин шу билан бирга Оврўпа маданияти соясида ўзимизнинг маданиятимиз, азалий одатларимиз йўқолди. Сталиннинг қатағон йилларида бу нарса айниқса авж олди. Мажбуран бошқа халқнинг тили, одатларигача тиқиштирилди. Натижада кўчада русча гапирадиган, рус одатича иш тутган ҳолда уйда эса бир нави қилиб, ота-боболаримиз урф-одатини қилдик.

Ҳар бир халқнинг урф-одатлари йиллар давомида авлоддан-авлодга ўша халқ кишисининг ажойиб хусусиятларини мужассамлаштирган ҳолда етиб келган. Шунинг учун ҳар бир халқнинг урф-одати, расм-русуми ўзи учун қадрли ва азиздир. Бир халқнинг одати, расм-русуми бошқасига тўғри келмаслиги ва айни пайтда хунук кўриниш ва оқибатга олиб келиши мумкин. Оддий мисол. Руслар яқин кишиларини, ота-оналарини ҳам сенлашади. Бу ҳам ўзаро ҳурмат-иззат. Хўш энди бизнинг ўзбек халқида яқин кишилари, шулар қатори ота-онасини ҳам сенлашини тушуниш мумкинми? Бу ҳақоратдан бошқа нарса эмас.

Тан оладиган бўлсак, жами боғчаларимизда миллий урф-одатларга мос тарбия берилаяпти, деб бўлмайди. Шаҳарлардаги тарбиячиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билишмайди. Шу боис болалар ёшликдан ўзга халқ маданиятига яқин бўлган тарбия билан камол топишаётир. Афсуски, бу ҳолат фарзандларимиздаги миллий ғурурга салбий таъсир кўрсатаяпти.

Ҳозирги кунда оиладаги можароларнинг, қўйди-чиқдиларнинг кўпайишига ҳам икки халқнинг одатлари қоришиб кетганлиги ва бу қайси пайтда мос бўлиб, қайси пайтда мос тушмаслигидан, келин билан куёвнинг характерлари кўчада тўғри келса-да, уйда тўғри келмаяпти. Чунки кўчада бошқа одат, уйда бошқа одат. Буни исботи билан келтирадиган бўлсак: шаҳарларимизда оилали бўлиш билан оилани бузилиши учга бир, тўртга бир бўлса, қишлоқларимизда эса ўн беш-йигирма оилали бўлганлар ичида битта-иккита оиланинг бузилишини учратиш мумкин.

Мен бу билан оврўпаликларнинг урф-одати, расм-русумларини камситмоқчи эмасман. Юқорида айтганимдай, ҳар бир халқнинг одатида ўша халқнинг ажойиб хусусиятлари мужассамлашган. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг одати ўзига қадрли ва муқаддасдир. Урф-одат мода эмаски, ундан бир кун биров, бир кун бошқа биров фойдаланиб кетаверса, бунга ҳеч ким қодир ҳам эмас. Шундай қилмоқчи бўлган киши икки халқнинг урф-одатларига, унинг шаънига оёқ қўйган бўлади. Ўзи билса-билмаса аро йўлда қолади, ўзлигини йўқотади. Ўзлигини йўқотган одам ҳиссиз, меҳрсиз, шафқатсиз, айни пайтда қўрқоқ ҳам бўлади. Ўзлигини билмаган, англамаган одамнинг кўзи боғлиқдир.

Е. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

Самарқанд вилояти, Ургут ноҳияси.

Агар ўлат хавфи туғилсачи...

Тошкент темир йўл станцияси қошидаги ўлатга қарши кураш станциясининг бошлиғи Э. Г. Аҳмедов яқинда журналистлар билан бўлган суҳбатда унинг ихтиёридаги минтақада ҳам ана шу касаллик тарқалиши мумкинлиги хусусида ташвиш билан гапирди.

— Бизнинг станциямиз ходимлари Бухоро темир йўл бўлими худудида ўлат касаллигини тарқатувчи каламушлар пайдо бўлганлигини аниқлашди, —деди у. —Дастлаб бу хавф Учқудуқ, Қоракўл, Бухоро ва Қоровулбозор станциялари атрофида аниқланди. Агарда шошилинч чоралар кўрилмаса, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бугун бўлмаса, эртага бу ерда яшовчи аҳоли даҳшатли касалликка чалиниши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ҳозирги кунда ўзбек тиббиёт ходимларидан иборат 8 та ўлатга қарши гуруҳ ишламоқда. Улар хавф туғилиши мумкин бўлган жойларда иш кўришаяпти. Шунингдек, Ўрта Осиё темир йўл Бошқармасининг Ашхобод ва Чоржўй бўлимлари атрофида ҳам бундай хавф туғилиши мумкин.

В. ПОГОЖИН.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ҚИШЛОҚ ТУРМУШИ МУАММОЛАРИ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

Халққа нафи тегсин

Бундан 40-50 йиллар аввал ўлкамизда қанчадан-қанча ажойиб боғ-роғлар бор эди. Ўша пайтдаги мева-чеваларнинг нархи билан ҳозирги нархини қиёсласак, худди эртакка ўхшайди. Аниқ ёдимда, 1932 йилдаги қийинчилик вақтида боғ кўчамиздаги ўрик дарахтларининг пишишини пойлаб ётардик. Тут, дўлана, наъматак, ўрик каби меваларни сотиш уят эди. Энди-чи! Энди бўлса...

Кейинги йилларда кўп қаватли бинолар баҳона мева-чева, узумчиликка эътибор камайди.

Яқинда Оржоникидзе ноҳиясининг «Оқтош» санаторийсига бордим. Қибрайдан Чирчиққа кетаверишдаги йўлнинг икки томонига турли шаклдаги мевали дарахтлар экишган. Булардан ташқари, илгари тепалик бўлиб ётган ерларни текислаб, боғ барпо этишибди. Ҳақиқатан, ўлкамизда шарт-шароит етарли, мева-чева етиштириш учун ғоят қулай имкониятлар бор. Лекин, шунга қарамай бу хайрли ишга бепарво қараб келаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Бир ўйлаб кўрайликчи, Тошкент шаҳрининг ўзида қанчадан-қанча мактаб, боғча, янгидан-янги бинолар бор. Уларнинг ҳар бирига озми-кўпми ер бириктирилган. Нима учун шу жойларда мевали дарахтлар экиб, улардан ҳосил олиш мумкин эмас!!

Шаҳримиздаги чинни заводи раҳбарларининг ташаббуси билан Чимбой маҳалласидаги бир таноб ташландиқ жой текисланди. Атрофи панжаралар билан ўралиб, дам олиш учун ўриндиқлар қилинди. Аммо бир туп ҳам мевали дарахт экилмади. Шифобахш булоқ сувларининг кўзи юмилиб қолди. Булоқ сувлари сизиб чиқиб ҳамма ёқни зах босиб ётибди. Шунча меҳнатдан сўнг уни халққа нафи тегадиган жой қилиш керак эди-да.

Шу каби фойдаланилмай ётган неча таноб ерларни С. Раҳимов ноҳиясидаги ички ишлар бўлими, ноҳия фирқа қўмитасининг ва қариялар уйининг ён атрофларида ҳам кўриш мумкин...

Ф. НУРИДДИНОВ,
Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, шахсий пенсионер.

Шахсий ферма

— Жамоамизнинг ташаббускор кишилари билан маслаҳатлашиб бир қарорга келдик, — дейди А. Навоий номидаги жамоа хўжалигининг 9-бригадаси етакчиси Шоназар Эгамов. — Бригада аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида шахсий ферма ташкил қилдик. Ҳозир 300 бош товуқ, 18 та қуён асраяпмиз.

Бригадада яна бир хайрли иш қилинди. Шийпон олдидаги ҳовузда балиқ урчитиляпти.

Озуқа ва дон етиштириш учун жамоа хўжалиги томонидан 0,3 гектар ер майдони ажратилган. Бригада аъзолари бошқа ташаббускорларга ўхшаб хўжалик «ҳамёни»га қўл чўзишмади. Улар 405 сўм пул тўплаб, 300 та жўжа ва 60 килограмм майда балиқ харид қилишди. Ҳар бири олти сўмдан сотиб олинган қуёнлар ҳам ҳозирги кунда 18 бошга етди.

Шахсий ферма даромад бера бошлагач, пул йиғишга ҳисса қўшган пудратчилар билан ҳисоб-китоб қилинади.

Бундан ташқари, жамоа аъзолари 0,5 гектар майдонда турли хил мевали дарахтлар ўстиришаяпти. Қатор оралари ҳам бўш қолаётгани йўқ. Шийпонда таом тайёрлаш учун турли хил сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Йиғиштириб олинган 600 килограммдан зиёд картошка эҳтиёжга қараб ишлатилмоқда.

Ж. ЖУМАНИЁЗОВ.
Хонқа ноҳияси.

Иссиқхоналарда ғўзалар

Наманган ноҳиясидаги Свердлов номли жамоа хўжалигининг Абдуллажон Усмонов бошлиқ бригадасида тажриба учун бу йил баҳор ойида 70 минг туп кўчат иссиқхоналарда етиштирилиб, май ойининг биринчи ҳафтасида бу ғўзалар далага кўчириб ўтқазилди. Бу кўчатлар табиий ерга экилган ниҳолларга қараганда 15—20 кун олдинги бўлаяпти.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.
Наманган.

Сувчи меҳнати қадрланадими?

Оила бошлиғиман, далада сувчи бўлиб ишлайман, лекин гоҳо бундан афсусланиб кетаман. Чунки сувчи эрта баҳордан чигитни меҳр билан парвариш қилиб ёз бўйи пахтани очилишида бош-қош бўлади, кузга бориб уни йиғиштириб олишда иштирок этади. Аммо дала ишлари тугаб, осмонга булут чиқди дегунча, унинг ҳолидан хабар оладиган киши топилмайди. Бу ёғида қўл учида кун кўришга мажбур бўламиз. Бирдан-бир илинжимиз йиллик маблағни кўпроқ олишдир. Лекин бунда ҳам оладиганимиз сариқ чақа. Бу муаммолардан жамоа хўжалиги ҳамда ноҳия раҳбарлари хабардорлар, албатта. Аммо улар кўрмасликка олишади. Сувчи меҳнати қачон қадрланади!!

Ҳ. ОБИДОВ,
Фарғона ноҳияси, Ильич номли жамоа хўжалигининг 4-бригада сувчиси.

«Бўлғуси талаба—90»

Мақсад—муносибларни танлаш

— Шу имтиҳон деганларини айни иссиққа— ёз чилласига қўйганлардан ҳам хафа бўлдим-ей, — деди чеккаларидан иягига томон оқиб тушаётган реза-реза терни ғижим бўлиб кетган даструмоли билан арта-арта бир отахон. — Далада қуёш тиғида шунча терлаганимиз етмасмиди?.. Энди бу ёқда...

Отахоннинг гапларини бошқалар ҳам маъқуллашди. Аммо баҳс бўлмади. Сабаби имтиҳон кетаётган хонадан отилиб чиққан йигитнинг ҳолати ҳамманинг эътиборини ўзига тортганди. У лотерея билетига енгил машина чиққандек, қўлидаги имтиҳон варақасини ҳавода ўйнатарди. Бир пасда уни ўраб олишди.

— Кўп қийнашмаяптими?

— Нималарни сўрашяпти?


Бугун Тошкент қишлоқ хўжалик институтида бўлган одам шунга ўхшаш манзаранинг гувоҳи бўлади. Биров нимадандир хафа бўлса, бошқаси хурсандлигини яширишга ожиз.

— Бу йил кундузги бўлимга 2300 дан зиёд ҳужжат тушди, — дейди қабул комиссияси раисининг ўринбосари Рустам Остонов. — Мақсадимиз — улар орасидан энг муносибларини танлаб олиш. Бор диққат-эътиборимиз ҳозир шунга қаратилган.

СУРАТЛАРДА: имтиҳон лаҳзалари.

Суратчи: Е. БОТИРОВ.







Раҳм қилдилар

Давлат автомобиль инспекцияси ва табиатни муҳофаза қилиш Сирдарё вилоят қўмитаси ходимлари ҳавонинг автомобиль тутунидан заҳарланишида машиналар эгаларидан ҳам кўра кўпроқ ремонтчилар айбдор, деган хулосага келишди.

Янгиердаги 2-техник хизмат кўрсатиш станциясида газ анализатори беш йилдан буён текшириш учун метрологларга берилмаган, ҳолбуки бу ишни ҳар йили қилиш керак. Газ анализаторидан фойдаланишда йўл-йўриқлардан четга чиқиш жуда кўп бўлаяпти. Ховос ноҳиясидаги 4-техник хизмат кўрсатиш станциясида газ анализаторидан бутунлай фойдаланишмайди — у нима учундир диагностика постида эмас, омбор мудирининг хонасида турибди.

Текширувчилар вилоятнинг бошқа кўпгина устахоналарида ҳам карбюраторлар сифатсиз ремонт қилинаётгани ва созланаётганлигини аниқладилар. Шундай экан, Мирзачўл шаҳарлари ҳавоси автомобиллар тутунидан тобора кўпроқ заҳарланаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Текширув иштирокчиларининг эса айбдорларга раҳми келиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг тегишли моддаларида кўзда тутилган жазо чораларига кўра, уларга жарима солмадилар.

(УзТАГ).

Ниҳоят бир мактуб

(«ЁШ ЛЕНИНЧИ»НИНГ ШУ ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ВА МАРТ ОЙЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН «ГУЛИСТОННИНГ ҚОТИЛИ КИМ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАГА ЯНА БИР ҚАЙТУВ)

Узр азиз муштарийлар, мен мазкур мавзуга бошқа қайтмайман, келган хатларга шахсан почта орқали жавоб бериб қўя қоламан, деган ўйда эдим. Нимага шундай ўйда эдим? Сабаби жавоб кутаётгандим. У келмаётганди. Кимдан? Аминбойданми? Олтиной опаданми? Олмагулданми? Йўқ, улардан жавоб кутмаётган эдим. Улар сукут сақлаш билан ўз жавобларини бериб бўлдилар. Мен уларнинг сукутларидан: «Ҳаётда бир марта хато қилиш бўлса, хато қилиб бўлдик, бу ёғига энди кўзимизни очиброқ яшайлик», деган ўйда эканликларига имоним комил. Мен энг муҳим гапни сиз муштарийлардан кутаётган эдим. Агарда қўлимдаги мана бу мактуб бўлмаганда такрор айтаман мазкур мавзуга қайтмасдим. Келинг, ушбу мактубни эътиборингизга ҳавола қилгунча, Сизларга қўяётган юқоридаги даъволарни сал бўлсаям ойдинлаштириб олайлик. Хатлар келмадимас, келди, бир папка хат келди. Муаллифлар таъсирланишган, Гулистоннинг қотилларини ўзларича суд қилишган ва ҳоказо...

Биласизми, мен «Ёш ленинчи» рўзномасининг кейинги йиллардаги чиқишларидан кейин муштарийларимизнинг кўнгилдаги бор гапни айтиш, фикрлаш даражалари бир мунча ошкора тус олган, фаоллашган деган ишончда эдим. Шу ўйда мақола қаҳрамонларини виждон кўзгуси рўпарасига ўтказиб қўйиб, ўзларини ўзларига ҳисоб бергизган эдим. Бу билан мақолани ўқиган муштарийлар зора ўзларини-ўзлари виждон кўзгусига солиб кўрсалар, деган илинжим ҳам йўқ эмас эди. Ахир Ҳадисда айтиладику мусулмонлар бир-бирларига ойнадирлар деб. Ахир ўз жонига қасд қилишлар биргина Элликқалъа ноҳиясида эмас бутун жумхуриятимизда кечяптику! Бу фожеалар яширин эмас, ҳамманинг кўз олдида, намойишкорона, исёнкорона бўляпти-ку. Кўряпмиз, эшитяпмиз, шундоқ-шундоқ бўлди деб гапиряпмиз. Одамгарчилик қилиб ачиниб ҳам қўйяпмиз. Бироқ энг муҳим гап — ўша воқеаларнинг иштирокчиси, гувоҳи сифатида қай даражада айбдорлигимизни ҳис этмаяпмиз. Ҳамма бало шунда! Биз фақат тониб кетишнинг иложини қила олмаган, исбот ва далили бўйнимизда нақд турган гуноҳларнигина тан оляпмиз. Шунга ўргандик ва мослашиб бўлдик.

Ислом тарбия мактабида бирон бир гуноҳ ишга тасодифан гувоҳ бўлиб қолсанг ҳам унга шериксан, дейилади. Бу билан кўзингни юмиб юр демоқчи эмас. Ҳамиша хушёр бўл, гуноҳ ишлар содир бўлишга йўл қўйма, унинг чора ва тадбирларини кўр, покликка посбон бўл, уни ёқла, ҳимоя қил, у учун кураш демоқчи. Акс ҳолда лоқайдлигинг учун у дунёда жавоб берасан, жазоланасан.

Агарда биз тўпорироқ қилиб айтганда эртанги кунни у дунёга, бугунги кунни бу дунёга қиёс қилсак — эртанинг поклиги, тиниқлиги, мусаффолиги бугунга боғлиқ эканлигини, ҳамма нарса бугундан бошланиши аён бўлади. Биз бўлса эртани ўйламай қўйдик. Бугунги ишимиз учун эртага жавоб бериш ҳиссини йўқотиб қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунда қилаётган кўпгина ишларимиз пала-партиш бўлаяпти. Шуниси ажабланарлики, дастлаб биз ички иймон ва эътиқод асосига янги жамият қурмоқчи бўлган эдик. Ўзингга-ўзинг ишон, у дунё, шайтону, дўзах деган гапларнинг бари уйдирма дедик. Одамни қандайдир тобеликдан олиб чиқмоқчи, ўзини ўзига худо ҳоким қилмоқчи бўлдик. Минг афсуски, бунинг уддасидан чиқа олмадик. Ҳа, бир ажойиб иморат қурмоқчи бўлган эдик, қуролмадик. Нимага? Мен Гулистон воқеаси орқали ана шу фожеанинг илдизларига етиб бормоқчи бўлдим. Сизни ҳам шу томонларга етаклаган эдим. Лекин... Айтингчи азиз онахонлар, қайноналар, қайнопалар, қайнсингиллар мана шундай мазмундаги хатларни ёзишингизга қандай куч тўсқинлик қилди: **«Кўчамиздаги бир келинчакнинг дунёдан бевақт кетишида ўзимни айбдор деб биламан, бу оиладаги борди-келди гаплардан хабардор эдим, афсуски энди кеч». «Келинимни қуш қилиб қўлимга қўндирмоқчи бўлдим, афсуски одам қуш эмас экан, «гаҳ» деган билан қўлга қўнмас экан, энди ачиняпман». «Ўзим келин бўлгандан кейин келин ҳолин тушундим, «ўтказганларим учун кечиринг». «Қиздир, келиндир бари Она деган муқаддас ном атрофидан нари кетолмайди, бас шундай экан бу номни пок сақлайлик, муқаддаслигига кўланка туширмайлик...»**

Наҳотки шундай туғёнлар юрагингизни ўртамади, дилингизда ғалаён кўтармади?

Азиз йигитлар, куёвлар, қайин укалар, қайин оғалар сизларда нимага мардлик етишмади? Айтсангиз бўлардику: **«Мақолани ўқиб менинг қайсидир жиҳатларим Аминбойга ўхшаб кетаётганлигини пайқаб қолдим, ўзимни қўлга олдим»** деб. Ёсангиз бўлардику: **«Эр ва хотиннинг орасига эси кетган тушади депманда дўстимнинг гулдек оиласининг барбод бўлишигача томошабин бўлиб, қараб турибман, э аттанг»,** деб. Фикрласаларингиз бўлардику: **«Аёл кишининг бирдан бир суянчиғи эр бўлади, суянчиғлик қўлимиздан келса, унинг ҳаётига кафолат беролсаккина бировнинг қизига оғиз солайлик, бўлмаса эркаклик номини ерга урмайлик»,** деб...

Афсуски, қўлимдаги бир папка хат орасида шунақалари йўқ. Агарда бўлганда бир-биримизни янаям инсофга чақирган, виждон кўзгусида тиниқроқ кўрган ва отажак эртанги тонгларимизга дадилроқ қараган бўлардик.

Энди азиз муштарийлар ушбу мавзуга қайтишга ундаган хат хусусида тўхталсак. Бир муштипар она ёзади:

«Гулистон мен кўрган кунларнинг бир-икки йилини кўрибди, холос. Мен ўн саккиз йилдан бери ёмон келин бўлиб, чидаб келяпман. Қайнонам ўн саккиз йилдан бери қарғайди. Бу йил қиз узатиб, куёв ҳам кўрдим. Ҳа, қуда деган номим ҳам бор. Бари бир хўрланаман. Ёшлигингда билинмас экан, аммо энди... Нималар деб, нималар қилиб хўрлашларини айтиб ўтирмайман, жонимдан тўйиб кетганимни айтсам шунинг ўзи кифоя бўлса керак. Ҳа, ҳаётдан тўйдим, бардошим тугади, ўлимимга рози бўлдим. Болаларимга икки энлик хат ёздим. Ёзиб қўйдиму, қани энди улардан кўзимни, кўнглимни узолсам. Ҳовлига бири киради, бири чиқади, аммо менинг шум ниятимдан улар бехабар. Яшаш билан ўлим оралиғида қийналиб, бир қарорга келолмай турганимда, ҳа ўша дақиқаларда, худди атайлаб қилгандек болаларимдан бири «Ёш ленинчи»нн кўтариб кирди ва «буни қаранг» деб мақолани кўрсатди. Мен мақоланинг давоми чиқишини сабрсизлик билан кутиб, барини ўқиб чиқдим ва ўзимни ўлдириш ниятидан қайтдим. Бешта боламнинг ҳурмати мени ҳам тириклигимда ҳақиқат қиладиган бир одам топилиб қолар деган умидда яшаяпман».

Ростини айтсам, Гулистоннинг тақдири билан боғлиқ кўпгина кишилар билан учрашган эдим, энг таъсирли ҳолатларда ҳам дийдам тош бўлиб тураверган эди. Бу мактубни ўқигач эса... Ҳа битта мақола битта одамни ўлим чоҳидан олиб қолибдими, қаламкашга бундан зиёд мукофот йўқ. Ҳа, оналаримиз ўлмасликлари керак. Улар яшашлари зарур ва ҳаётда яшаб қоладиганларни дунёга келтиришлари зарур. Оналар ўз жонларига қасд қилар эканлар бу келажакнинг йўқлигидан хабар. Бугунги кунда болаларни дунёга келтириб, оёққа турғазишнинг ўзи бир қаҳрамонлик бўлиб турганда беш боланинг онаси ўлим билан «мукофотланмаслиги» керак.

Инсофга келган эй муштипар она, кутинг биз Сиз билан, албатта, мулоқотда бўламиз. Ва яшашдан кўра ўлимни афзал кўраётганларни ана шу она каби инсофга келишга чақирамиз. Маънавият оламимиз кўп йиллардан бери лойқаланиб, лойқаланиб энди тиниш даврига киряпти. Ўз жонига, бировнинг жонига қасд қилишлар тиниш, покланиш жараёнини тезлатмайди, қайтага акс таъсир қилади. Танамиздаги сўнгги нафас ҳам тирикликка хизмат қилсин, Ҳадисда уқтирилгандек.

Эркин МАЛИКОВ.

ОЧАРЧИЛИК



1932—1933 ЙИЛНИНГ САККИЗ ОЙИ МИЛЛИОНЛАБ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҲАЁТИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Қарашсаки, қиздан лахта-лахта гўшт, суяклар ва сочига тақилган рангли ленталар қолган, холос. Ҳаммасини қутига солиб, Евгеня ва синглиси, у ҳам одамхўрлик қилган, опасига ёрдам берган, қишлоқ Советига олиб боришади. Бечора қизалоқнинг онаси Катерина зўрға келди, ҳоли йўқ, мунғайган. Қўлига таёқ олиб, қизини еган одамхўрни уриш ниятида, қани кучи етса? Одамхўр синглисининг боласи ҳам яқиндагина ўлди. Мозорга элтишди, қазишди, дафн қилишди... Ё худойим-ай! Балки, у ҳам ўз боласини егандир? Шундай. Уларни ноҳияга олиб боришган, у ерда иккаласини ҳам тириклайин кўмишган. Бақиришган-чақиришган, лаҳад анча замон қимирлаб турган. Икки яшар боласини ҳам қўшиб кўмишган. Айтишларича, одам гўшти еган... Эҳ, ётиб ўйлайман, гўё ҳаммаси кеча бўлгандек. 1910 йилда туғилганман. Кечирганим шу қадар даҳшатли, ғамгинки, гўё ер юзида уч юз йил яшагандайман. Бу ёруғ дунё — бор-буди ғам».

«1933 йилда Қизил Армияда хизмат қилардим, — деб ҳикоя қилади Саратов вилояти Калинин ноҳиясилик В. Крутяков. — Баландин ноҳияси Ивановка қишлоғидан хизматга чақирилган Кирилл Шиловга онаси хат ёзган: «Хизматларинг қалай? Тўйгунча нон ейсизларми? Мана бизда Просковья ўзининг болаларини еди. Бирини еди... Иккинчисини излаб қолишди. Ўчоқда чўянга қўйилган одам гўштини топишди. Ейишга улгурмаган экан. Она ўз болаларини еса-я. . .» Командир бу хатдан хабар топади ва сиёсий раҳбарга етказади. Шиловни алоҳида сиёсий бўлимга чақиришади. «Бу нима деган гап? Совет ҳукумати даврида одам ейишадими?» Сўроқ қилиб, кейин бўҳтон учун қамаб қўйишади. Иванов қишлоқ Советига сўров жўнатишганда, факт тўғри экани маълум бўлади. Уни озод қилишган, аммо бу тўғрида бировга оғиз очмаслик шарти билан чиқариб юборишган...»

Ўз боласининг танасига пичоқ ураётиб, ўша аёл нималарни ўйладикан? Бу ҳолатни аниқлаш борасидаги уринишларимиз беҳуда бўлди. Гувоҳлар бор, далил-ҳужжатлар бор, машъум одамхўрлик қандай амалга оширилганини кўрсатувчи. Охир-оқибат ҳозирда бу «ўлим жабҳаси» қанча кишининг бошига етганини ҳисоблаш мумкин. Аммо, инсоният тарихидаги бу даҳшатли офат — очарчилик — инсонларни ақлдан оздириб, кўнглини ўлдирганини қандай изоҳлаш мумкин? Айтолмаймиз. Тарихчи, рақамшунослар бу ўринда ожиз. Табобатчилар, социологлар, психологлар ҳар қалай нимадир изоҳлашлари мумкиндир... Лекин, ҳали уларнинг назари бу тадқиқотларга тушмаган.

Марказқўм комиссияси «ҳарбий ҳаракатлар майдони»га кетма-кет жўнатиларди. Шимолий Кавказга бундай комиссия ўттиз иккинчи йилнинг октябрь ойи охирида келади. Унга Каганович раҳбарлик қилган. Комиссия таркибида, Микоян, Чернов, Ягода, Шкирятов, Косарев ва бошқалар бор эди. Комиссия фавқулодда ҳуқуқларга, кафолотларга эга эди. Ростов-Донда ўлкақўмнинг фавқулодда бюро мажлиси чақирилади.

Хўжаликлар билан муомилада ҳам фавқулодда — ультиматум тилида муомила қилишган. Ғалла топшириш учун жуда қисқа муддат бериларди. Бажармаган хўжаликлар, станциялар «қора тахта»га тиркалади. Бу рўйхатга тушиш — ўз-ўзингга ўлим ҳукми чиқариш билан тенг. Қарор рўйхатдагилардан барча ғаллани: уруғликни ҳам, ейиш учун ажратилганини ҳам тортиб олишарди. Тинтув ўтказиб: қопдаги энг сўнгги донини ҳам олишарди. Озиқ-овқат ширкатлари эшикларига қулф осилди. Одамларга қишлоқларни тарк этиш тақиқланди. Бу ноҳиялар армия қисмлари билан қуршаб олинди.

Олдинлар аҳоли зич яшаган, йирик Полтава, Уманск, Богушевск каби станциялардан ўн бештаси аҳолисини умуман Сибирь ва Уралга кўчиришди, ҳайдашди. Мол ташиладиган вагонларда. Полтава станцияси ўрнида Красноармейск шаҳри пайдо бўлди. Номланиш сабаби—базорда ҳувиллаб қолган уйларга армиядан бўшатилган аскарларни кўчириб келишди. Ўттиз иккинчи йилнинг қишида Сталин катта ишлар бошламасининг буюк машқларини ўтказади. Кейинча у шу йўсинда чеченлар, ингушлар, қорачойлар, қрим татарлари ва бошқаларни ватанидан бадарға қилади...

Сабр косалари тўлиб кетган, жонлардан ўтган казаклар қўлларига қурол олишга мажбур бўлишди. «Муштумзўрлар исёнини бостириш учун мунтазам Қизил Армия қисмлари ташланди. НКВДнинг собиқ генерали А. Орлов гувоҳлик беришича, «қирувчи учувчилар қисмларидан бири казаклар станциясига учиш, исёнчиларни мажақлаб ташлашдан бош тортган. Қисм зудлик билан тарқатилган, составнинг тенг ярми отишга ҳукм қилинган. ОГПУ чегара қўшинлари раҳбари Фриновский исённи бостириш, муваффақиятли юришлар уюштиришга масъул эди. У Сиёсий бюро йиғилишида ҳисоб бериб, Шимолий Кавказ дарёларида сузиб юрган юзлаб мурдалар ҳақида гапирган. Ҳарбий қисмлар катта талафот кўришган. Шу боис исён одам боласи кўрмаган шафқатсизлик билан бостирилган. Ўн минглаб деҳ-

4

қонлар ҳеч бир судсиз отиб ташланган, юз минглаб кишилар Қозоғистон ва Сибирдаги концлагерларга жўнатилган. Бу лагерларда уларни албатта ўлим кутиб турарди».

А. Орловнинг сўзларида ҳеч бир муболаға йўқ. Архив ҳужжатларида Туркия ҳукуматининг Каспий денгизини ўликлар билан... ифлослантиришга қарши совет ҳокимиятига йўллаган норозилик баёнот ҳужжати сақланган.

Украинада Молотов раҳбарлигидаги комиссия иш олиб борарди. Тўпланган тажриба бечора украин деҳқонининг бўғзидан олишда асқотарди: дон режасини бажармаганлик учун озиқ-овқат жарималари белгиланди. Эндиликда ваколатли вакиллар талончилик билан эмас, «қонуний асосда» деҳқон хўжаликларининг сўнгги мисқол ейимлигини олиб кетишарди. Ҳатто уруғлик ва эҳтиёт шарт сақланадиган донни ҳам олишга рухсат берилди. Маҳаллий ҳукумат молотовча комиссиянинг оғир шартларини юмшатишга уринган. Жойларга Украина КП(б) Марказқўми котиби С. Косиор имзоси билан уруғлик ғаллани вилоятқўм рухсатисиз олишни тақиқловчи ҳужжат жўнатилади. Бу қарорни Москвада «партиянинг бош йўли»га қарши чиқиш деб баҳолашади ва Киевга Каганович етиб келади. ВКП(б) Марказқўми Украина партия Марказқўми чиқарган қарорни «асоссиз» деб топади ва у «дон етиштириш борасидаги йўлимизни бўшаштиради» дейилади. Жойлардаги коммунистлар ўз фаолиятларида яна шунақа камчиликларга йўл қўймасликлари учун П. Постишев ҳам «ёрдамга келади».

Каганович ташаббуси билан Шимолий Кавказда синовдан ўтган «қора тахта»лар Украинада ҳам жорий қилинади. . .

Сергей Дяченко «Огонёк»да Украинадаги машъум очарчилик тўғрисида мақола эълон қилгач, Краснодардан норозилик хати келган. Унинг ҳар сатри муаллифга нафрат билан тўлиб-тошган. Хат муаллифи бўлган аёл ҳикоя қилинган нарсаларга ишонмаган, ишонишни истамаган. Унинг ҳолатини тушуниш мумкин. Бизнинг инсоний онгимиз бу ҳодисотларни қабул қилолмайди, ваҳшийлик бизга ёт деймиз. Лекин, гувоҳларнинг хатлари, эсдаликлари, аччиқ хотираларини яшириб бўлмайди, уларни йўқ қилолмайсан. Булар ҳаммаси бўлган гап.

Кўпчилик ҳозир ҳам Сталин миллионлаб деҳқонларнинг очликдан ўлганини билмаган деб фикрлашади. Гўё булар ҳаммаси унинг сафдошлари: Молотов, Каганович, Постишев, Косиор, Шкирятовнинг иши эмиш. Нима деймиз, «саxий шоҳ» Сталин ва унинг «ваҳший вазирлари» Сиёсий бюро аъзолари тўғрисидаги афсоналар яшовчан. Бунга яна ўша краснодарлик аёлдаги каби сўқир ишонч қувват беради ёки ўрганилган калима такрорланади: ишонмаганмиз, ишонмаймиз, энди ҳам ишонмаймиз. Аниқроғи, ишонишни истамаймиз.

Ахир тўғрида, Сталин ўз қўли билан шундай сўзларни ёзган бўлса: «Биз учун энг қимматли — одамлар ҳисобланади». Мана бу сатрлар ҳам Сталинга тегишли: «Агар одамлар фаровон, тўкин-сочинликда яшашига эришмас эканмиз, 1917 йил октябрида капитализмни ағдариб, шунча йил ичида социализм қуришдан фойда йўқ эди». Тўғри гаплар. Лекин, улар машъум очарчилик қайнаган пайтда ёзилган. Бу сатрлар битилган даврда тепанинг буйруғи билан пойтахт вокзалларида нон тилаб келган минглаб деҳқонларни товар вагонларига юклаб, орқага, ўлим кутаётган жойларга жўнатишаётганди.

Деҳқонларга ўта нафрат, дарғазаблик Сталинда қаердан пайдо бўлди? Эҳтимол, бу деҳқонлар ҳар куни, ҳар соатда, беихтиёр ва оммавий миқёсда капитализмни туғдиради, деган назарий мулоҳаза юритишдан келиб чиққандир? Капитализм билан курашда Сталин фақат бир усулга — йўқ қилиб ташлашга амал қиларди.

Охирги, машъум қадамни қўйиш учун Сталинга узоқ беш йил зарур бўлди. Саккиз ой давомида очарчилик чиғириғи тинимсиз деҳқонларни ямлаб турди. Ўлим чиғириғи ишга тушиши билан Сталинга унинг қизиғи қолмади. Билардики, ҳаммаси олдиндан мўлжалланган режа бўйича кетаяпти, ҳеч ким, ҳеч бир куч уни тўхтатишга қодир эмас. Агар бирорта мард унга бу тўғрида —ўзи кашф этган офат ҳақида эслатса, дарров халқ душманига айланарди-қоларди. Юқорида Оржоникидзега мактуб йўллаган Фейгин ҳақида айтгандик. Ўша Фейгин бор ҳақиқатни билгач, «Сталин ҳузурига кириш, хабар бериш, агар вақти бўлмаса, хат орқали ёзиш» нияти борлигини ёзганди.

Фейгин доҳий қабулига кирдимийўқми, номаълум. Мактубдан бошқа нарсани кўриш мумкин, гўё қишлоқларда рўй бераётган даҳшатли воқеалардан Сталин бехабарлиги тўғрисидаги афсона ҳатто Марказқўм аъзолари орасида ҳам мавжуд бўлган. Сталин кабинетига киришга бошқа киши — Украина КП(б) Марказқўми котиби, Харьков вилоятқўм ва шаҳарқўм котиби Р. Терехев муваффақ бўлади. Украинада рўй бераётган очарчилик ҳақида сўзлаб бермоқчи бўлган пайти Бош котиб уни гапиришга қўймаган. «Сиз ҳақда, ўртоқ Терехов, айтишганди, жуда уста

5

Сергей ЗАВОРОТНИЙ,
Петр ПОЛОЖЕВЕЦ.

нотиқ, деб. Қарангки, сиз жуда моҳир ҳикоячи ҳам экансиз. Очарчилик ҳақида қизиқ, даҳшатли ҳикоя тўқибсиз. Нима, бизни қўрқитмоқчимисиз — йўқ, бунақаси кетмайди. Менимча, сиз котиблигингизни ташлаб, Ёзувчилар уюшмасига бориб ишлашингизга тўғри келади. Қизиқ-қизиқ эртаклар тўқийсиз, аҳмоқлар уни ўқишади». Сталин ваъдасини бажарган: Тереховни барча вазифаларидан олиб ташлашган.

Сталиннинг хотини Надежда Аллилуева очарчилик балосидан эрини огоҳ қилиш, унинг кўзини очишга ҳаракат қилган. Ленин билан яқин бўлган кекса большевикнинг қизи уй ишлари билан, гарчи Кремлда бўлсада, ўралашиб қолишни хоҳламайди. Аллилуева халқ хўжалиги институтига бориш, лекциялар ўқиш учун Сталиннинг рухсатини олади. Худди шу ерда талабалар унга Украинадаги воқеаларни сўзлаб беришади: одам гўшти билан савдо қилинаётгани, бир-бирларини ейишаётгани, ўлим ноҳияларидаги аҳвол тўғрисида. НКВД генерали А. Орлов ўз хотираларида ёзади: «Даҳшатли ҳикоялардан ўзини йўқотган Аллилуева бу ҳақда Сталинга ва унинг шахсий соқчиси Паукерга сўзлаб беради. Бундан Сталин шундай хулоса чиқарди; ОГПУ ва партия назоратига барча олий ўқув юртларида чуқур текширишлар ўтказиш, тозалаш, айниқса, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш мавсумидан сафарбар қилинган талабаларга «алоҳида эътибор» қаратишни буюради. Хотинини эса «троцкийча туҳматлар»ни тарқатгани учун боплаб ҳақорат қилади...

Деҳқонлар билан уруш хабари Кремлга ҳам бош суқди. Бу хабарларни Сталин эътиборсиз қолдирди. Аралашишни истамади. Яқинда чоп этилган «Ҳужжатлар гувоҳлик берадим» тўпламига кирган М. Шолоховнинг мактубига бефарқ қараб бўлмайди. Мактуб Сталинга битилган. «Хуторларда ҳақиқий уруш кетаяпти — озиқ-овқат тўпловчилар ҳовлиларга молларни, ғаллани олиб кетиш учун киришганида уларни аёллар ва ёш болалар қўлларига нима тушса, уришмоқда. Эркаклар аралашмай бир четда туришади. Улар аралашса жанжал албатта ўлим билан тугайди». Сталин ёзувчига қисқа жавоб йўллаган.

Саккиз ойнинг ҳар бир куни юзлаб, минглаб кишиларни олиб кетарди. Кремль эса Сталин имзоси билан ҳар куни махфий кўрсатмалар юборишдан чарчамасди. Йўқ, уларда оч-юпун деҳқонларга озиқовқатдан ёрдам бериш тўғрисида гапирилмаган. Сталин ва унинг аппарати деҳқонлардан тортиб олинган ғаллани ташиш ғамида. Айрим ўлка раҳбарларидан нима учун ерга уруғ ташлаш кечикаётгани, бажарилмаётгани ҳақда телеграф орқали изоҳ бериш талаб қилинарди. Халқлар отаси деҳқон кулбаси, омборининг хилват бурчакларига қадар бурун тиқди, бирор мисқол ғалла яширинмаганми?

Очарчилик вабосидан омон қолишга сўнгги имкон мавжуд эди — ҳали энг даҳшатли 1933 йилнинг майи олдинда. Кремлнинг барча қўнғироқларидан бонг уриш мумкин эди — афсус бу қўнғироқларнинг «тиллари» аллақачонлар боғлаб ташланган. Бутун жаҳон афкор оммасини очарчилик ҳақидаги ҳақиқатдан хабардор қилиш мумкин эди-ку! Сталин Совет Иттифоқини бошқа барча дунё халқларидан мустаҳкам темир девор билан ўраб олганди. Россияда очарчилик рўй берган 1921 йилда бутун Оврупода ёрдам тариқасида ғалла ва пул тўпланганди. Максим Горький ёрдам сўраб Амирко ва Оврупо ёзувчиларига телеграф орқали мурожаат қилган. Ёрдам беришган. 1933 йилда эса Горький сукут сақлади...

Зарбдор колхозчиларнинг 1933 йил февраль ойида бўлган I Бутуниттифоқ съездида Сталин сўз олиб, очарчилик фожиасидан кўз юмди, айтдики, «ҳозирда олдимизда турган қийинчиликлар шу қадар майдаки, улар ҳақда тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Айтиш керакки, бундан 10—15 йил олдин биз бошимиздан кечирган қийинчилик олдида булар шунчаки ўйинчоқ — болалар ўйинчоғи».

Сталин очарчилик ҳақида ҳаммасини биларди ва бу факт ҳали бу балони бошидан кечирмаганларга етмаслиги учун бутун чораларни кўрди. Бунинг устига ўша пайтда рўзномаларда совет деҳқонининг бахтли, фаровон турмуши ҳақида тинмай ёзишар, СССРда очарчилик борасида мақола берган чет эл матбуотига раддиялар эълон қилишарди. Мисол учун, Германияда оч қолган Поволжье немислари учун ёрдам хайриялари йиғилди. Бунга маҳаллий матбуотда «беҳуда туҳмат», «аҳмоқона бўҳтон», «фашистлар уйдирмаси» деб жавоб берилди. Немис-колхозчиларининг хатларини боса бошлашди: улар гўё ўз жумҳуриятимизда тўқ, тинч яшашаётган, фашистлар уйдирмасига жавоб тарзида мамлакатга янада кўпроқ ғалла етказиб бериш билан жавоб қайтарар эмишлар.

Польша ҳам очликдан азоб чекаётган деҳқонларга ёрдам қўлини чўзмоқчи эди. Ғарбий вилоятларида юзлаб тонна ғалла йиғилиб, жўнатилди, аммо уни чегарадаёқ тўхтатишди, Украинага ўтказишмади.

Очарчилик борасидаги ҳақиқатни Сталин фақатгина ўз халқидан сир тутмади, унинг чет элларга тарқалмаслиги чораларини кўрди. Хорижлик журналистларга очарчилик эгаллаб олган вилоятларга бориш, мақола ёзишга рухсат берилмади. Барибир, айрим мухбирлар очарчилик ҳақида ошкора, ҳақ мақолалар ёритишга муваффақ бўлдилар. Шунда хафа бўлган доҳий — халқлар отаси — ВКП(б) МКК ва МКнинг январь ойидаги қўшма пленумида ғазабланиб маълум қилди, айрим чет эллик журналистлар «аҳоли иқтисодиёти ва меҳнаткашлар аҳволи тўғрисида шу қадар ночор билимга эгалар, уларнинг савияси абассин қиролининг олий математикани қандай билиши билан баробар».

Олий математикани яхши билганлар, сиёсатни чуқур тушунганлар билан Кремль доҳийсининг муносабатлари маълум. 1933 йилнинг август ойида Франциянинг собиқ Бош вазири Эдуард Эррио Киевга келди. Ҳурматли меҳмон шарафига катта тантаналар, тўкин зиёфатлар уюштирилди. Меҳмон ташриф буюрган шаҳар ва қишлоқларга олдиндан озиқ-овқат ва кийим-кечаклар тарқатилди, одамлар бир дақиқа «коммунизм»да яшаш бахтига сазовор бўлишди. Билмадик, балки потемкинча қишлоқлар шон-шуҳратга мубталоми, француз сиёсатдони ўзини

6

Охири. Боши ўтган сонда.

абассин қироли ҳолига тушишини хоҳламадими, сафари ниҳоясида у Украинада очарчилик ҳақидаги барча гаплар бўҳтонлиги, нацистлар ташвиқотининг уйдирмаси экани тўғрисида баёнот берди. Эррионинг баёноти ўшанда Оврўподаги кўпгина ҳақиқатпарвар кишиларни танг қолдирди.

Очарчилик ҳақидаги ҳақиқатни ўз вақтида яширган Сталин кейинча буни махфий сақлашга интилмади. Англия Бош вазири Черчилль билан Теҳрон конференциясидаги суҳбатида коллективлаштириш даврида ўн миллионлаб муштумзўрлар билан курашишга тўғри келганини айтди. Черчилль эсдаликларида ёзишича «уларнинг катта қисмини, Сталин ўзи айтишига қараганда, йўқотишга тўғри келган».

Балки, Сталин ўз фаолиятидан «фахрлангандир», балки бу сирларни айтишга сирдош топилмагандир, шу мавзуда у Рузвельт билан ҳам суҳбатлашган. Эдвард Стеттиниус хотирлашича, Ялтада Сталин Украинада ўз таъсирини кучсиз, ишончсизлигидан нолиган. Бу нолиш ортида нима яширингани кейинроқ маълум бўлади. Маълум бўлишича, очарчилик Сталин учун етарли бўлмаган. Кун тартибида украинларни кўчириш масаласи турган. Сталин кейинча бу ғоясини амалга оширмагани учун кўп ўкинади. Хрушчев айтишича, Сталин украинларни кўчиришни амалга оширолмаганидан хафа эди — бунга на шунча украинларни жойлаштиришга ҳудуд, на ташишга транспорт топиларди.

1933 йилнинг ёзида «Очарчилик» операцияси ниҳояланди. Қурбон бўлганлар сонини турлича кўрсатишади — тўрт миллиондан ўн миллионга қадар.

Ёнғин ўтган вайронага қайта бормang, шамол эсиб, юз-кўзларингизни тўлдиради, дейди бир донишманд. Лекин, биз ўтмишга қайтмасак, унинг бутун фожиа-ҳалокатларини ўрганмасак, эртанги кунга озод кишилар сифатида бораолмаймиз. Кечаги куннинг бутун даҳшатини, сўнгги мисқолигача кўриб, ўрганмасак унутишимиз жуда қийин кечади. Ҳозирча бу борадаги ҳақиқат Мендельштам фикрига яқин келади: «Кечаги кун? У ҳали бошланганича йўқ».

Жим туришди. Қўшма Штатларда Чейз бошчилигида парламент комиссияси Украинадаги очарчилик борасида иш олиб боришаётганини ҳам билишмади. Канадада очарчиликдан ўлганлар хотира куни ўтказилиб, мотам тутишганидан бехабар қолишди. Бизчи? Владимир Маняк бу машъум очарчилик ҳақида китоб нашр қилиш илинжида юрибди — бу китоб Украинадаги ҳар бир хонадоннинг меҳробида туриши керак — унга қоғоз йўқ деб баҳона қилишмоқда... А. Довженько номли киностудияда С. Дяченко сценарияси бўйича фильм яратишмоқчи. Халқдан йиғилган маблағ ҳисобига. Украинада қайта қуриш учун халқ ҳаракати «Рух»нинг раҳбари Иван Драч булар оз деб ҳисоблайди. Бутуниттифоқ хотира куни — хотира ва тавба-тазарру куни эълон қилиш керак.

Сталинни шахсан билган Милован Жилас ёзади: «Ростини айтадиган бўлсак, Сталин — даҳшатли мавжудот ўзининг хаёлий ғоялари асосида мутлақ мавҳум натижаларга суянади — тажрибада унинг ғалабаси зўравонликка, жисмонан ва руҳан йўқ қилишга асосланади». У ҳақиқатан ҳам даҳшатли мавжудот эди. Унинг қўллари қон. У қўрқув билан қорилган жамият барпо этди. Зўравонлик — унинг пойдевори. Аммо, бу ёвузликларни Сталин якка ўзи амалга оширгани йўқ. Тузум унга мадад берди, қўллаб-қувватлади, даъват этди. Бизнинг жамиятимизни бутун фожиаси шундан иборатки, янги жамият барпо этиш ғоялари ўз жиноятлари ва ишончи билан қўлдан-қўлга ўтди — ўликлар тириклар билан ёнма-ён, ўтмиш келажак билан бақамти.

... Ниҳоят ҳаммаси очиқ-ошкор намоён бўлаётир. Аччиқ, аламли. Мамлакатда яхши ишлар қилинмади, дейиш нотўғри. Ҳар бир яхши иш, ана шундай катта қурбонлар, йўқотишлар, жиноятлар эвазига бўлгани — ҳақ.

«Комсомольская правда»нинг 28-сонидан Рўзимбой Ҳасан ўзбекчага ўгирган.

7

Хорижлан хабарлар

АҚШ КОЛЛЕЖЛАРИГА КИРУВЧИЛАР КАМАЙМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС мухбири Сергей Кузнецов). Бу йил Америка коллежлари ва дорилфунунлари ғайритабиий муаммога дуч келдилар — мазкур олий ўқув юртларига кириш учун ариза берган йигит ва қизлар сони етишмаяпти.

Америка Қўшма Штатларидаги энг йирик хусусий олий ўқув юрти — Бостонда жойлашган Шимоли-шарқий дорилфунун мактабни битириб, кузда унинг дарсхоналарига келадиган биринчи курс талабалари сони аввалги ўқув йилига нисбатан 25 фоиз камайишини кутмоқда. Шу муносабат билан дорилфунун маъмурияти ҳозирнинг ўзидаёқ янги ходимларни ишга қабул қилиш режаларидан воз кечишга қарор қилди, шунингдек профессор-ўқитувчилар кўп йил хизмат қилганликлари учун ҳар йили ошириладиган иш ҳақини кечиктирди.

Гарвард дорилфунуни ҳузурида ишлаб турган маориф соҳасида бошқарув муаммоларини ўрганиш институти раҳбари Артург Левайннинг фикрича, олий ўқув юртларига кирувчи ёшлар етишмаслигининг асосий сабабларидан бири молиявий қийинчиликлардир. Америка коллежи ёки дорилфунунига кириш учун имтиҳонлар топшириш талаб этилмайди. Институтга кирувчининг таълим олиш учун ҳақ тўлаш имконияти энг асосий шарт ҳисобланади. Ҳозир олий маълумотли бўлиш учун йилига ўрта ҳисобда 7 минг долларга яқин пул тўлаш керак.

СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИ ШИКАСТЛАНДИ

ҚОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон қуролланган оппозицияси бўлинмаларининг экстремистлари Қобулни ракеталардан яна ёппасига ўққа тутишди. Совет фани ва маданияти уйига тўғридан-тўғри реактив снаряд келиб тушиши оқибатида монтаж ишларини олиб бориш учун Афғонистон пойтахтига вақтинча юборилган совет мутахассислари шикастланди. И. Л. Архаров ҳалок бўлди, Н. В. Николаев ва Д. Ю. Шчанов ракета снаряди парчаларидан жароҳатланишди. Ярадорлар совет элчихонасининг касалхонасига олиб келинди, уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Шифокорларимизнинг хулосаларига қараганда, уларнинг ҳаёти хавф остида эмас. Қобулдаги Совет фани ва маданияти уйига ваҳшиёна ҳужум қилиниши натижасида унга катта моддий зарар етди.



Ҳозир дунёда модага айланмаган нарса қолдимикан ўзи? Ҳеч иккиланмасдан «йўқ» деб жавоб бераверинг. Ҳар хил турдаги кийим-кечакларни-ку айтмай қўя қолайлик...

Сиз кўриб турган сурат Югославия пойтахти Белградда олинган. Катта ипподромда бўлиб ўтган байрам иштирокчилари бўлмиш бу қизлар шляпалар кийиб юриш бўйича ўтказилган конкурс ғолиблари саналади.

(ТАНЮГ—ТАСС сурати).

САЁҲАТЧИЛАР УЧУН СУВ ОСТИ КЕМАСИ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС мухбири Владимир Додонов). Финляндиянинг Турку шаҳридаги кемасозлик заводида саёҳатчилар учун энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган яна битта сув ости кемаси қурилди. Унга «Синбод» деб ном берилди, кема Миср учун аталган.

Кема узунасига атиги 20 метрга яқин бўлишига қарамай, унга 46 нафарга қадар йўловчи тушиши мумкин. Йўловчилар қулай ўриндиқларга ўрнашиб олиб, катта иллюминаторлар ёки шахсий видеотерминал экранлари орқали сув ости дунёсини кузатишлари мумкин. Ҳар бир йўловчи олдида асбоблар тахтаси бўлиб, уларда кема сув остида қанча чуқурликда кетаётганлиги, сувнинг тубигача масофа ҳамда денгиз сувининг ҳарорати кўрсатилади. Сув ости кемаси 75 метр чуқурликка тушиши мумкин, бироқ, 10 метрдан 30 метрга қадар бўлган чуқурлик саёҳатчилар учун ниҳоятда қизиқарли бўлади, чунки ана шу масофада денгиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёси анча бой ҳамда сувга нур тушиб туради.

Кема экипажи икки кишидан иборат, улар кемани, шу жумладан сув ости телекамераларини, ёритиш прожекторларини, балиқларни озиқлантирадиган қурилмаларни бошқарадилар.

Ҳозирдаёқ 1988 йилда асос солинган «В-САБ» кемасозлик корхонасида шундай кемалардан 6 таси қурилди. Яна 3 та кема қурилиши тугалланмоқда. Уларнинг ҳаммаси катта-катта саёҳатчилар марказларига аталган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МУШУКЛАР ФЕЪЛИ

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯЛИК зоолог профессор Гельмут Хеммернинг таъкидлашига қараганда мушукларнинг феъли қандайлиги уларнинг рангларига боғлиқ экан.

Масалан, қора мушуклар жуда асабий бўлиб, сезгир, қизиқувчан ва эркаланишни яхши кўрар экан. Оқ-қора ранглиси эса ўйинқароқ, эгасига осонгина боғланиб қоладиган, болалар билан ўйнашни севаркан. Йўл-йўл рангли мушуклар эса, аксинча, эҳтиёткор, ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи, одамлар билан алоқа қилишдан қочувчи бўлса, сариқ ва оқ-сариқлари қоидага кўра, беғам, тинчликни хоҳлайдиган бўлишади. Оқ мушуклар аразчи, асабий, эрка бўлар экан, деб ёзади Булғориянинг «Космос» жаридаси.

АЖДАР БИЛАН ОЛИШУВ

● РОСА МАЗА ҚИЛИБ наркотиклар қабул қилган Жекоб Бауэр ярим кечаси Сан-Францискодаги хитойлар яшайдиган маҳаллага келиб қолади.

Тўсатдан бу гиёванднинг рўпарасида унга ташланмоқчи бўлиб турган баҳайбат аждар пайдо бўлади. Жон-пони чиқиб кетган Бауэр дарҳол тўппончасини чиқариб «дарғазаб» бўлиб турган ҳайвонга қарата барча ўқларини отади. Отишма товушини эшитиб келган полициячилар Бауэрни йўл четида аждарни ўлдириш учун тўппончасини қайта ўқлаётганида кўришган. Бу аждар хитойликлар ресторанига кираверишдаги реклама учун чизилган сурат экан, деб хабар қилади «Нью-Йорк таймс» (АҚШ) рўзномаси.

ПОДАНГИЗНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ!

● ДУНЁДА СЎРАШИШНИНГ ТУРЛИ хил шакл ва усуллари бор. Биров қўл олишиб кўришса, яна биров таъзим қилади ёки қўлини кўксига қўяди, баъзилар эса бир-бирига бурнини тегизади. «Салом!», «Хайрли кун!», «Сизга тинчлик тилайман!», «Сизни кўрганимдан ғоят хурсандман!» дейишади. Африканинг фақат мол боқиш билан шуғулланган масаи қабиласидагилар эса бир-бирларини кўрганда: «Подангизнинг аҳволи қандай?» деб сўрашишади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«Учрашувларга ташна эдик!»

Жиззахлик ёшлар бу ерга келган журналистларга шундай дейишди. Мирзачўлдаги ушбу байрамга йўл эса Кўкдала, Иштихон, Боғот, Денов, Чуст, Хива шаҳар ва ноҳиялари орқали ўтди.

Яқинда ҳамкасблардан бири сўраб қолди: «Кейинги пайтда вилоятларга серқатнов бўлиб қолдинглар. Ўзи бу сафарлар сизларга нима бераяпти?» Кутилмаган саволдан сўнг ўйланиб қолдим. Дўппини ёнга қўйиб, ўтилган йўлни таҳлил этганда, кўп нарса ойдинлашди. Жойлардаги учрашув ва мулоқотлар энг аввало, биз журналистларга руҳ бахш этмоқда. Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларидаги ёшлар, биз ёзишга одатланиб қолган «меҳнат кишилари», ҳа, ўша мадҳ этганимиз «заҳматкашлар» қандай қувонч ва ташвишлар билан яшаётгани ойдинлашмоқда. Ёзда салқин, қишда илиқ хоналарда ёзиб келганимиз: «фоизлар», «тонна» ва «центнерлар», «ортиғи билан уддалашлару», «ёруғ ва шинам ҳовлиларга кўчиб ўтишлар» қандай меҳнат эвазига, қанчалик пешона тери туфайли бунёд этилаётганини англашга имкон бераётир.

Байрам деб аталаётган бу учрашувларда сўз олиш ҳам осон эмас. Мақтовга арзирли сўз айтишга эса ожиз қоласан киши. Улар рўзноманинг ҳарчанд мунтазам ўқишчиси бўлишмасин, суҳбатлар мавзуини бошқа ёқдан бошлашади: «Нега кундалик зарур моллар анқонинг уруғига айланаётир?», «Нарху наво нега осмонга чиқиб кетди?», «Юз бераётган нохушликларнинг сабабчилари кимлар?» ва ҳоказо шу кабилар. Айтингчи, муштарий, бундай жумбоқларни ечиш ёки уларга бирор қониқарли жавоб айтиш осонми? Ёки бўлмаса, бизнинг бир саволимиз: Жиззахга бора боргунча ва Тошкентга қайтгунча катта Ўзбекистон магистрал йўлининг ҳар икки четида ўнлаб бозорчаларга дуч келасиз. Нарх-навога қаранг: бир кило қовун ёки тарвуз 60-70 тийин! Олис Сибирь бозорлари билан деярли тенг баҳо. Хўш, нега шундай? Биргина пахта яккаҳокимлиги сабабчими бунга?

«Устидаги кийимини ёки қўлидаги чилимини 3-4 баравар нархда сотиб олгандан кейин деҳқон ҳам буёғини ўйлайди-да», деди шерикларимдан биттаси. Бу гапни айтганда шеригим, шубҳасиз ҳақ эди...

Хуллас, шунақа хулоса-ю, шунақа таҳлиллар. Мирзачўл қўйнидаги бу гўзал ва навқирон вилоят марказида ўтган «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари байрами бу гал ҳам қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлди. Жиззах бинокорлик материаллари комбинати уйсозлари уй-жой муаммосини ҳал этиш борасидаги юмушларидан журналистларни огоҳ этдилар. Режалар, ютуқлар, муаммолар хусусида сўз борди бу ерда. Пластмасса заводи цех ва участкаларида ўтган учрашувлар ҳам баҳсларга бой бўлди. Айниқса, заводнинг кадрлар бўлимидаги битта ёзув меҳмонларни бефарқ қолдирмади.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида 4,5 миллион сўмлик соф даромад қилинди, — деди завод директори Ҳайдар Ҳусанович Ҳусанов. — Олинган фойданинг катта қисмини ишчиларнинг турар-жой, маданий-маиший шароитларини яхшилашга қаратаяпмиз.

Қувонарли ҳол. Аммо, ишчилардан бир қисмининг чет эл дастгоҳлари ўрнатилган цехда, машиналар ёнида ўтириб тушлик қилишаётганига ҳам ўзимиз гувоҳмиз. «Технология шунақа!» дейишди мезбонлар. Ҳа, технология ҳам керак. Аммо саломатлик-чи?...

Ўзбекистон «ойнаи жаҳони» диктори Муслим Йўлдошев жумҳуриятдаги барча хонадонлар қатори Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикув-трикотаж фабрикаси ишчилари оилаларида ҳам кўп бор «меҳмон» бўлган. Аммо унинг иқтидорли ёш шоир эканлигидан трикотажчилар бехабар эди. «Ёш ленинчи» байрамида иштирок этиш истагини билдириб, бу ерга келган Муслим Йўлдошев чеварларга атаб ўзининг энг янги шеърларидан намуналар ўқиди.

Учрашувда ўқилган шеър

Муслим ЙЎЛДОШЕВ

Дардинг олай, Оролгинам!..

Қизилқумнинг ортидан нола келди
Нолаю кўз ёшлари жола келди.
Бир нидода кексаю, бола келди
Дардинг олай, Оролгинам, йўл бўлсин?!
Юмилдими икки кўзинг, ўргилай,
Чувриндими қадим бўзинг, ўргилай,
Унутдингми исминг ўзинг, ўргилай,
Дардинг олай, Оролгинам, йўл бўлсин?!
Ўтмишингдан, ё эртангдан бездингми,
Мадад тилаб чашми гирён кездингми,
Болаларинг беоқибат сездингми,
Дардинг олай, Оролгинам, йўл бўлсин?!
Сен бор эдинг, биз бор эдик, шонимиз,
Бутун эди, насибамиз, нонимиз
Эшитмасми, оҳингни сарбонимиз,
Дардинг олай Оролгинам, йўл бўлсин?!
Икки жилға қўшилса гар сой экан
Йўқ бўлганинг, кимларга ҳумой экан
Басир экан, ҳоли тангу вой экан,
Дардинг олай, Оролгинам, йўл бўлсин?!
Журъат этдим, сенга бир сўз демакка,
Тўлов бермоқ керак нонга намакка,
Мардларинг бор, тайёр турар кўмакка
Дардинг олай Оролгинам, йўл бўлсин?!
Йўл солмагин, кетсанг адо бўламиз,
Кас алқамас бесас садо бўламиз,
Нураб, қуриб, бир эл гадо бўламиз,
Дардинг олай, Оролгинам, йўл бўлсин?!

Рўзнома мухбири Ҳайдар Акбарга ҳам ўз касбини ўзгартиришга тўғри келди. Иккинчи «ҳунар» — шоирлик залга ҳаяжон олиб кирди. Фабрика чеварларининг: «Шундай учрашувларни соғинган эдик!» деган истакларига кўра, қўшиқлар ижро этилди. Жумҳурият радиосининг ёш ва моҳир санъаткорларидан саналган Озода Назарова шўх қўшиқларни хониш этди.

Қўшиқ қўшиқ билан. Аммо корхона раҳбарларининг на туришида, на юришида ҳаловат бор шу кунларда. Фабрикани оғир иқтисодий танглик кутмоқда.

— Шу пайтгача иқтисодий кўрсаткичларимиз ёмон эмасди, — дейди фабрика директори Ўктам Маҳмудов. — Режаларни бажариб келдик. Қисқа вақт ичида ишчилар ўртача ойлиги 53 сўмга ошган эди. Бироқ шу ойдан бошлаб номаълум муддатгача кўрсаткичлар пасайиши кутилмоқда. Жумладан ишчиларнинг маоши ҳам.

Директорнинг айтганича бор. Корхона шу кунларда олтинкўллик шерикларидан хом-ашёнинг атиги 60 фоизини олмоқда, холос. Очиғи, андижонликларга ҳам осон бўлмаяпти. Бу ҳақда рўзномамизда алоҳида чиқиш қилишга келишиб олсакда, байрамнинг энг юқори нуқтаси — футбол бўйича ўртоқлик учрашуви ўтган Жиззах стадионига кўчсак.

Ёдингизда бўлса, «Ёш ленинчи» байрамларининг бирортаси спортнинг энг оммавий тури — футбол баҳсларисиз ўтмаган ва команда бош тренери, рўзноманинг собиқ бўлим мудири, эндиликда Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси шўъба мудири Аҳрор Аҳмедовнинг таъкидлашича, футболсиз ўтмайди ҳам. Меҳмонлар командаси маълум. Номи — «Ижодкор». Таркибида эса рўзноманинг, шунингдек жумҳуриятдаги бошқа оммавий ахборот воситалари, «ойнаи жаҳон» ва радио журналистлари, комсомол Марказий Қўмитаси масъул ходимлари.

— Номларини рўзномаларда ўқиб юрган кишингни спортчи кийимида кўриш ғалати туюларкан, — деб юборди учрашувни ёнма-ён туриб кузатаётган «мухлислар»дан бири.

Жиззах вилояти комсомол ходимларидан иборат «Аппаратчи» командаси учун бу учрашув осон кечмади. Чунки «Ижодкор» тренери «Италия—90» Жаҳон чемпионатидан олган тажрибаси асосида янги тактикани қўллаётган эди... Якуний ҳисоб мезбонлар фойдасига ҳал бўлди: 3:2. Аммо умумий ҳисоб бошқа эди. **Бардамлик, саломатлик, ҳамжиҳатлик ва жумҳурият футболининг оммавийлиги йўлидаги навбатдаги қадам.**

«Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари муҳаррирлари Жаббор Раззоқов ва Александр Пукемов, вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Равшан Маматқуловлар учрашув қатнашчиларига совринларни топшириш чоғида қайд этган жиҳатлар ана шулардан иборат бўлди. Шунингдек, Октябрь ноҳиясидаги комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, ВЛКСМ XXI съезди делегати Мамадиёр Нуралиев ҳам «Ижодкор» командасига эсдалик совғасини топшираётганда улар билан якдил эди.

Жиззах вилоятида ўтган байрам тоғ қўйнида жойлашган Ю. А. Гагарин номли кашшофлар оромгоҳида ўз ниҳоясини топди. Бу сўлим ерларда 400 нафар ўғил ва қиз мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Журналистлар билан ўқувчиларнинг мулоқоти мавзуи кўпроқ ўзга сайёраликларга бағишланди.

Бу ерда Жиззах Давлат педагогика институти IV курс талабаси Нодира Ибодуллаева раҳбарлик қилаётган «Чебурашка» отряди билан ҳам «Ижодкор»нинг рамзий учрашуви бўлиб ўтди...


Зомин тоғлари орасидан автобусимиз йўлга тушди.

С. РАМАЗОНОВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Жиззах—Тошкент.

СУРАТЛАРДА: учрашувлардан лаҳзалар.
Е. БОТИРОВ суратлари.













Футбол чегара билмайди

Майдонда тез ва чаққон ҳаракат қилиб, чиройли ўйин кўрсатаётган «чарм тўп» устасининг маҳоратидан олам-олам завқ оламиз. Мабодо, бирорта севган командамиз ёки ўйинчимиз суст ўйнаса ундан кўнглимиз қолади.

Футбол мана шундай ажойиб ўйин. Ҳам кулдиради, ҳам куйдиради. Беҳад оммавийлиги, ҳамда катта мухлислар оламига эга эканлигини яқинда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги яна бир бор исботлади. Гап шундаки, футболни нафақат профессионаллар қойиллатиб ўйнашмоқда. Балки оддий мухлислар ҳам кўнгилдагидек ўйнаши мумкин экан. Фақатгина озроқ иштиёқ ва маҳорат бўлса бас. Эсингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам рўзномамиз саҳифаларида ижодкор-журналистлар, ёзувчилар ўртасида ўтган футбол бўйича ўзаро биринчиликлар тўғрисида ёритиб борардик. «Ёш ленинчи», «Муқанна», «Қатортол», «Оқшом» каби ҳаваскор командалар пайдо бўлганди ўшанда.

Яқинда яна бир шундай ажойиб чемпионатга якун ясалди. Бу илм аҳллари «чарм тўп» ишқибозлари ўртасидаги беллашув. У ўтган йилнинг май ойида бошланиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида ташкил этилган мини-футбол командаси учун муваффақиятли якунланди. СССР ФА биринчилиги 8 зонага бўлинган ҳолда ўтказилди. 7-зона иштирокчилари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Фанлар академияси ходимлари группада ғолибликни қўлга киритиш учун бир неча кун Тошкентда кураш олиб бордилар. Бу курашда «улоқ»ни жумҳуриятимиз ёш олимлари илиб кетишди.

Ҳар бир зонанинг ғолиби ярим финал ўйинларига йўлланма олишди. Тўрттадан икки группага бўлинган ҳолда ғолиблик учун энди Ленинградда қизғин баҳслар бошланди. Ҳамюртларимиз ўз группасида КомиАССР ва Москва шаҳри командаларини бир хил 3:0 ҳисобда ютиб, украиналиклар билан 1:1 дуранг қилишгач, навбатдаги босқичга йўлланма олишди.

Икки финалчи Ленинград ва Ўзбекистон терма командалари ўртасидаги ўйиннинг асосий вақтида ҳисоб ўзгармади. Қўшимча вақт ҳам ғолибни аниқлаб беролмади. 11 метрлик жарима чизиғидан дарвозани аниқ нишонга олишда ўзбекистонликлар устун келишди. Ҳисоб 13:12.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг чарм тўп усталари Бутуниттифоқ ўйинларнинг ғолиби бўлдилар.

Бу эса футболнинг ёш ва касб танламаслиги, унинг севиб ўйналишида чегара йўқлигининг яна бир исботидир.

Ғолиблик муборак бўлсин, ёш олимлар!

Мирза АБДУЛЛА.

ТВ

26 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.30 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 11.55 «Қоялар чорлайди». Телефильм. 12.20 «Энди сизни ким деб аташ керак?». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.40 «Сеҳрли қулф». Мультфильм. 18.00 «Қонунни биласизми?». Ўсмирлар учун кўрсатувлар. 19.00 «Дала неъматлари — эл дастурхонига». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради...». 21.10 «Наштар». Ҳажвий киножурнал. 21.20 «Рақслар гулдастаси». Концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Экран таништиради». Кинокўрсатув. 23.35 «Фожиага йўл қўймайман». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 01.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

18.05 «Горгонанинг боши». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 19.30 «Дўстлик» кўрсатувлари.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ: 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ёш ижрочилар концерти. 21.45 «Она ва бола». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Дмитрий II». Бадиий фильм. 2-серия.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 «Сеҳрланган бола». Мультфильм. 8.50 «Оламни гўзаллик асрайди». Артекда мусиқий фестиваль. 9.30 «Ошхонадаги суҳбат ёки бахтиёр аёл монологи». Ҳужжатли фильм. 9.50 «Владимир Висоцкий. Монолог». 10.50 Болалар соати. 11.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт».

* * *

14.45 «Бизни ёшлик йўлга бошлади». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.50 Кубанинг миллий байрами — Миллий қўзғолон кунига. «Бу — Куба». Кинопрограмма. 16.25 «Билмасвой рулда». Мультфильм. 16.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 17.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.00 «Вақт» 18.30 Иллюзионли аттракцион». 18.55 «Билса ҳазил, билмаса чин». 19.30 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». 21.00 Яхши ният ўйинлари. Енгил атлетика. 23.00 «Босқичлар». 00.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● **МТII**

7.30 «Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 «Эл қатори». Телевизион ҳужжатли фильм. 8.15 «Ер юзида севги мавжуд экан». Фильм-концерт (Минск). 8.45 «Йўқолган хазинани излаб». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Грузия-фильм»). 9.50 «Топилмалар бюроси». Мультфильм. 10.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бу ҳаммаси у ҳақда». 3 ва 4-сериялар. 12.35 «Қўғирчоқ театри олами». 3-кўрсатув.

* * *

16.25 Ритмик гимнастика. 16.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 17.00 «Осиё овози». Оммавий куй ва қўшиқлар ижрочилари I Халқаро телевизион конкурси ҳақида. 17.25 «Томошабинлар меҳри соврини» кино фестивали. «Агар шу куй бўлмаганда...» Ҳужжатли фильм премьераси. 17.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Л. Бакрадзе фильмлари. «Шошиляпти». 19.00 Ироқ фольклор ансамблининг концерти. 19.25 Яхши ният ўйинлари. Сув полоси. СССР—АҚШ терма командалари. 20.25 Мусаввир А. Осмеркин голгофи. 20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз офтобга эргашиб борамиз». Мультфильм. 21.00 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 22.20 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Баранова куйлайди. Саратовдан кўрсатилади. 23.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 23.30 Яхши ният ўйинлари. Баскетбол. Эркаклар. Волейбол. Хотин-қизлар. Ярим финал.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи» «Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана. Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ. ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 06219. Д. — 23508.